Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 15 апрель, чоршанба • № 29 (11.012) • Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ:

МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ



13 апрель куни «Дўрмон» қароргоҳида мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Туркия Бош вазири Месут Йилмазни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Юқори мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Месут Йилмаз шоҳсупага кўтарилдилар. Ҳар икки мамлакат Давлат Мадҳиялари янгради. Ислом Каримов ва Месут Йилмаз фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Месут Йилмазнинг яккамаякка суҳбати бўлди. Мулоқот чоғида икки давлат ўртасидаги муносабатлар, халқаро сиёсат майдонида юз бераётган ўзгаришлар, Европа ва Осиёда минтақавий хавфсизлик, дунёда тинчликни сақлаш масалалари хусусида фикр алмашилди. Ислом Каримов Месут Йилмазни мамлакатимизга ташрифи билан қутлаб, Ўзбекистон — Туркия муносабатлари ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди. Месут Йилмазнинг мазкур ташрифи бу муносабатларни янада юқори босқичга кўтаришига ишонч билдирди.

Ислом Каримов ва Месут Йилмаз иштирокида икки давлат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги мўзокаралари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон билан Туркия ўртасида турли соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини чуқурлаштириш, хусусан, ўзаро савдо-сотиқ, транспорт коммуникациялари, сармоя жалб қилиш имкониятларини кенгайтириш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди. Икки мамлакатнинг иқтисодий-сиёсий, илмий-маданий ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш учун мавжуд имкониятлар, ҳар икки давлат иқтисодиётида юз бераётган ўзгаришлар таҳлил қилинди. Ўзбекистон — Туркия муносабатлари иқтисодиёт соҳасида ҳам яхши ривож топаётгани қайд этилди.

Мўзокаралар чоғида Ислом Каримов Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, уларнинг самараси, қўлга киритилган ва айни вақтда эришилаётган ютуқлар ҳақида сўзлади. 1997 йил якунлари, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш борасидаги ишларга тўхталди. Ўзаро ҳамкорликни равнақ топтириш учун ҳар икки давлатда ҳам янги очилаётган ва ҳали ишга солинмаган имкониятлар анчагина эканини қайд этди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳияти йилдан-йилга юксалиб бормоқда. Собиқ иттифоқ ҳудудидаги давлатлар орасида фақатгина Ўзбекистонда иқтисодий ўсишга эришилгани, мамлакатда ишлаб чиқариш, хусусан, енгил ва оғир саноатнинг янги тармоқлари фаолияти йўлга қўйилганининг ўзиёқ буни исботлайди. Хорижлик сармоядорларнинг юртимизга қизиқиши ортаётгани, чет эл фирма ва компаниялари билан ҳамкорликда тузилган ва амалга оширилаётган лойиҳалар кўпаяётгани ҳам Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотлар яхши самара бераётганидан далолатдир.

Ислом Каримов Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларга тўхталар экан, айни вақтда мамлакатимизда Туркия билан ҳамкорликда ташкил этилган икки юзга яқин қўшма корхона фаолият юритаётганини, лекин улар орасида «Коч Холдинг», «Ай Сел» сингари йирик фирмалар камлигига эътибор қаратди.

— Йирик компаниялар йирик лойиҳаларни амалга оширади ва ҳар икки мамлакатга бирдек фойда келтиради. Шуни ҳисобга олган ҳолда турк ишбилармонларига Ўзбекистонда хорижлик

(Давоми 2-бетда).

Вилоят фаолларининг йиғилиши

ИМКОНИЯТЛАРНИ ИШГА СОЛИШ ЗАРУР

Шу йил 13 апрель куни Тошкент вилояти ҳокимлигида "Вилоятда 1998 йилнинг 1-чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари тўғрисида"ги масалага бағишланган вилоят фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда вилоят ҳокимининг муовинлари, вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқармалари бошлиқлари, шаҳар, туман ҳокимлари, уларнинг умумиқтисод масалалари бўйича муовинлари, солиқ, банк, молия тизими ходимлари иштирок этдилар.

Йиғилишни Тошкент вилояти ҳокими Эркин Рўзиев бошқарди.

Кун тартибидаги масала юзасидан вилоят ҳокимининг муовини — истиқболни белгилаш ва статистика бош бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Ҳосилов маъруза қилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, вилоятда ўтган даврда асосий эътибор 1998 йилда халқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг устувор вазифаларини бажаришга, жойларда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга, "Оила йили"да хонадонларни ижтимоий муҳофаза қилиш, халқ турмуш фаровонлигини оширишга қаратилди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу йил халқ хўжалиги тармоқларини ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида 10дан ортиқ дастур ва тадбирлар ишлаб чиқилди.

Уларни амалга ошириш натижасида йилнинг 1 чорагида барча соҳаларда ижобий ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, саноатда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 561,9 миллион сўмлик маҳсулот кўп тайёрланди, ўсиш суръати 102,6 фоизни ташкил этди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда ўсиш суръати 120,0 фоизга етказилди. Қишлоқ хўжалигида мулкий муносабатларни ўзгартириш, баҳорги экин-тикин ишларини муваффақиятли якунлаш, қишлоқ жойларида янги иш ўринларини барпо этиш, хўжаликларни пай, оилавий пудрат усулларида иш юритувчи ширкат хўжаликларига ўтказиш бўйича ишлар жадал бормоқда.

Хусусийлаштириш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш борасида белгиланган режалар изчил давом эттирилмоқда. Ҳозирги кунда вилоятдаги 8132 корхона ва ташкилот нодавлат мулк шаклларига ўтказилди. Йилнинг 1 чорагида ҳиссадорлик жамиятлари 15,6 фоизга кўпайди. Уларнинг 44,2 миллион сўмлик қимматли қоғозлари сотилди.

Молиявий аҳволни барқарорлаштириш, пул эмиссиясига барҳам бериш устувор масала қилиб қўйилди. Кўрилган чоралар натижасида вилоятда нақд пул эмиссияси даражаси 1998 йилнинг ўтган даврида 14,0 фоиз режалаштирилган ҳолда тўлиқ эмиссиясиз ишлашга эришилди. Зарар кўриб ишловчи корхоналар ўнтага қисқартирилди. Вилоят халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам ана шундай тилга олса арзигулик силжишлар рўй берди.

Лекин фаоллар йиғилишида асосий диққат-эътибор бой берилаётган ички имкониятларни ишга солишга, йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонларни бартараф этишга қаратилди. Бу бежиз эмас. Чунки вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш ана шу масалага бевосита боғлиқдир.

Хусусан, вилоятнинг иккита шаҳар ва бешта туманидан бошқа ҳудудларда ким ошди ва биржа савдоларининг ўтказилмаганлиги сабабли бу борадаги биринчи чорак учун белгиланган топшириқ бажарилмади. Ер участкалари сотиш режаси 51,4 фоизда қолиб кетди. Қимматли қоғозлар сотиш масаласига Олмалиқ, Ангрен, Янгийўл шаҳарлари, Оққўрғон, Оҳангарон, Бўка, Зангиота, Қибрай, Қуйичирчиқ, Пскент туманларида ҳамон етарли эътибор берилмаяпти. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам фойдаланилмаётган имкониятлар талайгина.

Молиявий аҳволни соғломлаштириш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, пул муомаласини барқарорлаштириш, эмиссия даражасини пасайтириш бўйича катта ҳаракат бораётган бир пайтда вилоятдаги 71 та корхона зарар кўриб ишламоқда. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларни камайтириш борасида ҳам бир қатор корхоналарда аҳвол мураккаблигича қолмоқда. Вилоятда эмиссияга барҳам берилган бир пайтда Ангрен, Чирчиқ шаҳарлари, Оҳангарон, Зангиота, Ўртачирчиқ, Чиноз туманларида нақд пул тушуми режалари бажарилмади. Саноат корхоналарида мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси 51,4 фоиздан ошмади. Агросаноат мажмуида ҳам камчиликлар ва муаммолар тўлиқ ҳал этилмаяпти. Жамоа хўжаликларида чорва моллари бош сони камайишига барҳам берилмади. Оҳангарон, Бекобод, Қибрай, Зангиота, Паркент туманларида гўшт, Қибрай, Паркент, Ўртачирчиқ, Бекобод туманларида сут етиштириш ўтган йилга нисбатан камайиб кетди.

Қурилиш мажмуида уй-жой ва бошқа объектлар барпо этишнинг пасайиб бораётганлиги ташвишлидир. Пуллик ва маиший хизмат кўрсатиш вилоятда ўсган бир пайтда Оҳангарон, Бекобод, Пскент туманларида ҳамон пастлигича қолмоқда.

Фаоллар йиғилишида бу рақамлар чуқур таҳлил этилди ва уларни бартараф этиш юзасидан амалий чора тадбирлар белгиланди. Тегишли ҳокимликлар, идора ва ташкилотлар, солиқ, банк, молия тизими раҳбарларига аниқ вазифалар берилди.

Энг муҳими вилоятда иқтисодиётни барқарорлаштириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, белгиланган режалар ва дастурларни амалга ошириш учун барча имкониятлар бор. Асосий диққат-эътибор уларни ишга солишга қаратилмоғи керак.

Фаоллар йиғилишида кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Йиғилишда республика Бош вазирининг ўринбосари — Макроиқтисодиёт ва статистика вазири Бахтиёр Ҳамидов сўзга чиқди.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

МИЛЛИЙ ДАСТУРГА МУВОФИҚ

АКАДЕМИК лицей ва ҳунар коллежлари янги турдаги ўқув юртлари сифатида таълим жараёнларидан мустаҳкам ўрин олаётир. Ҳозирнинг ўзида вилоятимиз шаҳар ва туманларида бундай билим масканларидан бир нечтасини очиш тараддуди кўрилмоқда.

Шу ўқув йилида Зангиота туманида ўз фаолиятини бошлайдиган академик лицейни бунёд этиш учун барча тайёргарлик ишлари кўриб қўйилди. У тумандаги 14-ўрта мактаб негизида шакллланмоқда. Чирчиқ шаҳридаги 7-ҳунар-техника билим юрти эса ҳунар коллежига айлантириладиган бўлди. Шу муносабат билан янги ўқув даргоҳи замонавий техника воситалари билан жиҳозланмоқда.

Келгусида 9-синфни тугатган ўқувчиларнинг деярли юз фоизи янги турдаги уч йиллик мактабларга жалб этилади. Бу эса толиби илмларни лицей ва коллежларга кириб ўқишлари учун пухта замин ҳозирлайди.

Али АКБАРОВ.

УЛАР ОЛИМПИАДАЛАРДА ҚАТНАШАДИЛАР

МАКТАБ ўқув фанлари бўйича республика олимпиадаларини ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди. Бу йилги билимлар синовига ҳам катта тараддуд кўрилмоқда.

Биргина Ангрендаги ўғил болалар ўзбек-турк лицейи толиби илмларидан бир неча нафари бундай шарафга муяссар бўлди. Элёр Ўтбосаров тил ва адабиёт, Абдулатиф Азизов эса кимё, Анвар Иброҳимов математика фанларидан пухта тайёргарлик кўришмоқда.

Шунингдек, Ангрен шаҳридаги, Пскент, Оққўрғон ва бошқа туманлардаги қатор мактаблар ўқувчилари ҳам республика олимпиадасида қатнашувчилар рўйхатига киритилдилар.

Кабир АСҚАРОВ.

ОЛИМЛАР ДАРС БЕРМОҚДА

ТОШКЕНТ вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институти бугунги кунда Ангрен, Чирчиқ, Бекобод шаҳарларида ўз шохобчаларига эга. Институтнинг ўзида ҳамда тармоқларда ҳар ойда 450 нафар ўқитувчи билимларини оширишмоқда.

Ўқув машғулотларини олиб бориш учун йирик олимлар таклиф этилган. Муаллифлик курслари бўйича ҳам махсус сабоқлар йўлга қўйилди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ш. Фармонов, биология фанлари доктори профессор О. Мавлонов каби кўзга кўринган тадқиқотчилар уюштирган дастлабки дарслардан муаллимлар ҳурсанд бўлишди.

Акбар АЛИЕВ.

"СОФ ҲАВО" ТАДБИРИ БОШЛАНДИ

ВИЛОЯТИМИЗДА жорий йилнинг 10 апрелидан "Соф ҳаво" тадбири бошланди ва у 10 майгача давом этади. Уни вилоят табиатни муҳофаза қилиш идоралари, ДАН, "Ўзнефтгазназорат" ташкилотлари билан биргаликда ўтказмоқдалар.

Ойлик давомида вилоят шаҳарлари ва туманларидаги саксонта автомобил корхоналарининг экологик ҳолати текширилади, камида 2500 транспорт воситасининг ҳавога чиқарадиган заҳарли газининг меъёри ўлчаб кўрилади. Бундан ташқари, автомашиналарга ёнилғи қуйиш станциялари аҳволи, ёнилғилар сифати ҳам ўрганилади.

Табиатни муҳофаза қилиш ишига эътибор берган автомобил корхоналари рағбатлантирилади, улар мукофотларга тақдим этилади. Текшириш давомида ҳавога чиқарилаётган зарарли моддалар меъёрдагидан ошиқлиги аниқланса, мансабдор кишиларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилади, пул жарималари билан жазоланади.

Одилжон МАМАЗИЯЕВ,
вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг "Соф ҳаво" тадбирини ўтказиш бўйича бош мутахассиси.

БОЗОРЛАР «ШОДАСИ»

АНГРЕНДА мавжуд бозорларни кенгайтириш ва янгиларини қуриш ишлари олиб борилмоқда. Шу туфайли шаҳардаги марказий бозорнинг қиёфаси йил сайин ўзгармоқда. Бу ерда янги расталар, кўпдан-кўп тижоратчилар дўконлари пайдо бўлди.

Айниқса, бозор мулкчиликнинг ҳиссадорлик жамияти шаклига ўтгач, бундай ишлар юришиб кетди. Биргина ўтган йили жамият олган соф фойда миқдори 3 миллион 49 минг сўмни ташкил этди. Ҳар бир акцияга 276 сўмдан дивиденд тўланди. Фойданинг 40 фоизи эса барча ҳиссадорларнинг розилиги билан бозорни кенгайтиришга ажратилди. Маблағлар деҳқон расталари ва кийим-кечак бўлимларида савдо-сотиқ шароитларини янада яхшилашга сарфланмоқда.

Бундан ташқари, шаҳарда қатор янги бозорлар барпо этилмоқда. Тошкент-Ўш йўлининг ёнида улгуржи бозор қурилиши бошлаб юборилди. Бунинг учун 20 миллион сўм сармоя ажратилди. Шунингдек, 6/4-даҳада қишки ва ёзги бозор бунёд этилмоқда. Худди шундай иншоот 5/4-даҳада ҳам қад кўтармоқда.

Мунаввара ИСАҚУЛОВА.

РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Бельгия Қироллиги Бош Вазири Жан Люк Дехане шу йил 17-18 апрель кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасига келади.

Вилоят ҳокимлигида

ТАРК ЭТМАСИН ҚУШИҚ ВАТАННИ

Она юртни ҳеч қачон қўшиқ тарк этмасин, дейишади. Ҳақ гап. Истиқлол йиллари ичида кўп хайрли ишларга қўл урдик. Ватанимизда "Ўзбекистон қўшиқ байрами" кунларини ўтказиш тўғрисидаги ташаббус ана шу ишларнинг бири бўлди. Мана уч йилдирки, вилоятларда, туманларда, маҳалла ва қишлоқларда, ўқув юртлари-ю, муассасаларда, ҳарбий бўлинмаларда байрамни ўтказиш анъанага айланиб қолди. Бу жойларда айни кунларда 1998 йилги қўшиқ байрами тадбирлари ҳам бошланиб кетди. Шу йилнинг 13 апрель куни вилоятда "Ўзбекистон қўшиқ байрами"га тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ташкилий қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг муовини Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди.

Жойларда қўшиқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар тўғрисида вилоят Маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Зоҳид Солиҳов ахборот берди. Айни кунларда барча шаҳар ва туманларда, ўқув юртларида саралаш кўрик-танловлари бўлиб ўтмоқда. унинг ғолиблари апрель ойида ўтказиладиган ҳудудий танловда иштирок этадилар. Шунинг учун қўшимча чора ва тадбирлар кўрилиши зарур. Энг муҳими халқнинг ичидан чиққан истеъдодларни тарбиялаш, ижро этилаётган қўшиқларнинг матни ва мусиқаси устида ишлаш катта аҳамиятга эга.

Йиғилишда таъкидланганидек, ўтказилаётган қўшиқ байрамлари бизга янги-янги ижрочиларни, Она-Ватан, юрт, халқ тўғрисидаги энг сара қўшиқларни яратиб бериши зарур. Бу куй ва қўшиқлар одамлар қалбига кириб бориши керак. Ҳар йилгидек, бу йил ҳам август ойининг учинчи якшанбаси Тошкент вилоятида қўшиқ байрами куни деб белгиланди.

Ташкилий қўмита йиғилишида вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Олег Тожиев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари, шоира Шарифа Салимова, "Ўзбекнаво" гастроль-концерт бирлашмаси вилоят бўлими бошлиғи Рамзиддин Икромов, Бўстонлиқ тумани ҳокимининг муовини Худойберган Мирзамуродов ва бошқалар сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Йиғилишда кўрилган масала юзасидан тегишли тадбирлар белгиланди.

Деҳқон баҳори



ПЕШҚАДАМЛАРГА ТЕНГЛАШАЙЛИК

ВИЛОЯТИМИЗДА чигит экиш қизғин давом этмоқда. Далаларда 2 мингтадан кўпроқ сеялка ишлаяпти. Кеча ҳар бир сеялка билан ўртача олти гектар майдонга уруғ экилди.

Бекобод, Чиноз, Янгийўл туманлари хўжаликлари экишда олдинда бормоқдалар.

Янгийўл туманидаги Абдулла Ортиқов номли жамоа хўжалигидан таҳририятимизга хушхабар келди. Пленка остига уруғ экилган майдонларда чигит бир текис униб чиқ бошлабди. Хўжаликнинг бош ҳосилоти Турғунбой Одиловнинг айтишича, Саидолим Раҳимхўжаев, Абдулла Ўринбоев бошлиқ бригадалар ҳозир ниҳолларга биринчи ишлов беришга тайёргарлик кўрмоқдалар. Механизаторлар Ғулом Султонов, Эрмон Ўрозов, Абдуқаюм Юнусов, Абдуқаҳҳор Собировлар тракторларга культиваторларни тақмоқдалар.

Оққўрғон туманидаги "Оккўрғон" ширкатлар бирлашмасида ҳам ниҳолларни парвариш қилишга киришиш учун пухта тайёргарлик кўриляпти. Экишдан бўшаган чопиқ тракторларига культиваторлар осилмоқда. Таъмирлаш ишларининг сифатли бажариш асосида культиваторлар ҳам пухта таъмирлаб қўйилган эди.

Чигит экиш кун сайин авж олдирилмоқда. Чиноз туманида бу иш 62,8, Янгийўл туманида 62,3, Бекобод туманида 62,5 фоиз қилиб бажарилди. Ҳар бир агрегатдан самарали фойдаланилаётганлиги сабабли Чиноз тумани хўжаликларида кунига ҳар бир мослама билан ўртача тўққиз гектар, Янгийўл туманида эса етти гектар ерга уруғ экиляпти.

Афсуски, вилоятдаги баъзи хўжаликлар ҳақида ана шундай деб бўлмайди. Пскент туманида ерни экишга тайёрлаш ва чигит экишни тезлаштириш учун имкониятлардан етарли фойдаланилаётгани йўқ. Мавжуд 181 та сеялкадан 60 таси экишда қатнашмаяпти. Пленка остига чигит қадайдиган махсус 30 та сеялка ҳам қантариб қўйилган. Бўка тумани хўжаликларида эса 70 та оддий сеялкаларнинг умри бекор ўтказилмоқда. 52 таси ҳамон далага чиқарилгани йўқ. Бундай аҳволни Ўртачирчиқ туманидаги хўжаликларда ҳам кўриш мумкин. Бу ерда 51 та оддий усулда чигит экадиган сеялкадан умуман фойдаланилмаётгани боис ҳар бир агрегат билан кунига аранг 5—5,2 гектар майдонга уруғ экилмоқда. Аҳвол шундай тарзда давом этаверадиган бўлса, бу туманларнинг хўжаликларида ҳосил кеч етилиши, булар эса ўз навбатида кузда йиғим-терим суръати ва сифатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Шу кунларнинг ҳар бир соати ва дақиқаси ғанимат. Экишни тезроқ тугаллаш учун ишчи кучлари ва техника воситаларидан унумли фойдаланиш лозим.

Рафиқ ТУРСУНОВ.

ЯНГИЙЎЛ туманидаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-текшириш институтининг тажриба хўжалиги бу йил 140 гектар ерда пахта етиштиради. Шу майдонларнинг 30 гектарига андижонча усулда чигит экилди.

СУРАТЛАРДА: институт раҳбари Юсуф Мансуров ва бош муҳандис Мирзахотам Мирзаев (чапда) пленка остига экилган далаларни кўздан кечирмоқдалар; дастлабки ниҳоллар.

Умид АҲМЕДОВ олган сурат.

МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

сармоядорлар учун яратилган жуда қулай шарт-шароитни чуқур ўрганишни ва узоқни кўзлаб ҳамкорлик қилишни таклиф этган бўлур эдим, — деди Президент.

Музокараларда Туркия Бош вазири юртимизда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида ўрнатилган ижтимоий-иқтисодий барқарорлик, Ўзбекистон раҳбариятининг минтақавий хавфсизликни таъминлаш ҳамда давлатлараро иқтисодий интеграциялашув жараёнларини фаоллаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларига юқори баҳо берди.

Музокаралар якунида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Унда Ўзбекистон Президентининг Туркия Бош вазири билан музокаралари якунлари бўйича қўшма Баёнот имзоланди. Ҳужжатга Ислом Каримов ва Месут Йилмаз имзо чекдилар. Шунингдек, маросимда Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикаси ҳукуматлари ўртасида савдо ва иқтисодий ҳамкорлик, муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, маданий бойликлар контрабандасининг олдини олиш ва уларнинг қайтарилишини таъминлашда ўзаро кўмаклашиш тўғрисидаги битимлар ҳамда Ўзбекистон давлат божхона қўмитаси билан Туркия Бош вазири ҳузуридаги божхона котибияти ўртасида божхона кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тўғрисидаги протокол имзоланди.

Ҳужжатларни имзолаш маросимидан сўнг Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Месут Йилмаз оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди.

Унда Ислом Каримов Туркия Бош вазири билан ўтказилган суҳбат сермазмун ва сермаҳсул бўлганини таъкидлади.

— Туркия юртимиз мустақилликка эришганидан кейин бизни биринчи бўлиб эътироф этган, қўллаб-қувватлаган мамлакатдир, — деди Ислом Каримов. — Ўзбекистонга кўрсатилган бундай самимият унутилмайди.

— Айни пайтда давлатларимиз ўртасида имзоланган ҳужжатлар сони элликтага яқинлашиб қолди, — деди Ислом Каримов. — Ҳозирги кунгача туркиялик ҳамкорлар томонидан Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган сармоянинг умумий миқдори эса 1,5 миллиард АҚШ долларига боради. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми эса 1997 йилда 320 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Биз музокаралар чоғида иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Туркия қўшма комиссияси ишини ҳам таҳлил этдик. Хулосамизга кўра, у кутилганидек фаолият кўрсатмади. Шу боис бундан кейин комиссияга бош вазирлар раҳбарлик қилишига келишиб олдик. У сармоя киритиш учун қулайлик ва зарур шарт-шароит яратиш, ўзаро тўлов-ҳисоб-китоблар, транспорт, тижоратда мутаносиблик ва бошқа масалаларни мувофиқлаштириш билан шуғулланади. Биз Туркия Бош вазири билан йирик қўшма корхоналар тузилишини ҳар томонлама рағбатлантиришга ҳам келишиб олдик.

Туркия Бош вазири ҳар икки мамлакатда ҳам Ўзбекистон — Туркия муносабатларини ривожлантиришга бўлган интилишлар муштараклигини таъкидлади.

Ислом Каримов Каспий денгизи орқали Ўзбекистон — Туркманистон — Озарбойжон — Туркия йўналиши бўйича транспорт алоқасини йўлга қўйиш учун икки томонлама саъй-ҳаракат кўрсатиш лозимлигини таъкидлади.

Матбуот анжуманида МДҲ доирасидаги воқеалар хусусида ҳам сўз борди. Президент Ислом Каримов бу борада ўзининг қатъий фикрини илгари ҳам бир неча бор очиқ-ойдин баён этганини айтди.

— МДҲнинг кўп имкониятлари, салоҳияти ҳали тўла ишга солинмаган, — деди давлатимиз раҳбари. — Биз иқтисодий интеграция тарафдоримиз. МДҲни халқаро ҳуқуқ субъектига айлантириш, мустақил давлатлар устидан назорат қилувчи идоралар тузиш сингари масалаларга эса мутлақо қаршимиз.

Анжуманда Ўзбекистон Президенти ва Туркия Бош вазири журналистларни қизиқтирган бошқа саволларга ҳам жавоб қайтардилар.

Шу куни юксак мартабали меҳмон Ўзбекистон Бош вазири Ў. Султонов ҳамроҳлигида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғига ташриф буюрди. М. Йилмаз буюк шоир ва мутафаккир, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйди.

Туркия Бош вазири Олий Мажлисда ҳам бўлди. Учрашувда Ўзбекистон Парламенти Раиси Э. Халилов Туркия Бош вазирини мамлакатимизда қонунчиликни такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, давлатчиликни мустаҳкамлашда қонун устуворлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар билан таништирди. Шунингдек, Олий Мажлис фаолияти, хорижий мамлакатлар парламентлари билан йўлга қўйилган алоқалар ҳақида сўзлаб берди.

Туркия Бош вазири парламент фаолияти билан танишар экан, Ўзбекистон нафақат иқтисодий, балки демократия ва қонунчиликни мустаҳкамлаш борасида ҳам катта ютуқларни қўлга киритганига гувоҳ бўлганини таъкидлади. Шунингдек, у Олий Мажлиснинг янги қурилган муҳташам биносини кўздан кечириб, унинг ҳар томонлама мукаммал эканини, халқаро андозалар талабига тўла жавоб беришини қайд этди. Олий қонун чиқарувчи органнинг замонавий техника билан жиҳозланган, турли меъморчилик анъаналарини ўзида мужассам этган бундай бинога эга бўлиши демократик тамойиллар асосида равнақ топаётган Ўзбекистонда парламентга муносабат ҳақида аниқ-тиниқ тасаввур беришини айтди.

Суҳбат чоғида икки мамлакат парламентлари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Туркия Бош вазири Ўткир Султонов ҳамроҳлигида Ўзбек — Турк бизнес-семинарида иштирок этди. Юқори мартабали меҳмон Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига ҳам ташриф буюриб, банк раҳбарияти ҳамда Туркиянинг «Ай Сел» компанияси вакиллари билан учрашди.

* * *

14 апрель куни "Дўрмон" қароргоҳида мамлакатимизга расмий ташриф буюрган Туркия Бош вазири Месут Йилмазни расмий кузатиш маросими бўлди. Юқори мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Президент Ислом Каримов ва Бош Вазир Месут Йилмаз шоҳсупага кўтарилдилар. Ҳар икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради. Ислом Каримов ва Месут Йилмаз фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Расмий кузатиш маросимидан сўнг Месут Йилмаз Ўзбекистон Бош Вазири ҳамроҳлигида пойтахт марказида қад ростлаган Темурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюрди. Темурийлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи ноёб тарихий ашёлар меҳмонда катта таассурот уйғотди. У Ўзбекистонда аждодларга эҳтиром, миллий анъана ва қадриятларга эътиборнинг юксаклигини мамнуният билан қайд этди. Зиёрат сўнгида Туркия Бош Вазири музейнинг фахрий меҳмонлар китобига ўз дастхатини битди.

Шу билан Туркия Бош Вазирининг Ўзбекистонга расмий ташрифи ниҳоясига етди.

(ЎзА).

Олий Мажлис сессияси олдидан

ШУНДАЙ ТАКЛИФЛАРИМ БОР

ТУРМУШ тарзимизнинг бош қонуни - Конституциямизда ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир, дея қайд қилинган. Ризқ-рўзимиз манбаи бўлган она-заминга ана шундай муносабат умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилган республикамиз "Ер Кодекси" лойиҳасининг биринчи моддасидаёқ ўз аксини топганлиги эътиборга лойиқдир.

"Ер Кодекси" лойиҳаси ва умуман ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бош вазифалари ҳозирги ҳамда келажак авлод манфаатларини кўзлаб ердан илмий асосланган тарзда фойдаланишни, тупроқ унумдорлигини тиклаш ва ошириш, табиий муҳитни асраш, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида қонунчиликни мустаҳкамлашга қаратилган.

Мазкур лойиҳа яна шуниси билан муҳимки, унда ер муносабатларини тартибга солиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари алоҳида-алоҳида моддаларда аниқ ва равшан ифода этилган. Бу бошқарувнинг турли поғоналаридаги мансабдор шахслар зиммасига ерни асраб-авайлаш, унга бўлган муносабатларда қонунчиликка тўла амал қилиш масъулиятини юклайди.

Хусусан, Олий Мажлис Ер тўғрисида, ундан фойдаланиш ҳақида қонунлар қабул қилиш, уларга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этса, Республика Вазирлар Маҳкамаси ерни муҳофаза қилишда вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради. Вилоятлар давлат ҳокимияти органлари ваколатларига ерлардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни муҳофаза қилиш ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш, ер тузиш ишларини, давлат, ер кадастри ҳамда ер мониторинги юритилишини ташкил этиш, фуқароларга, юридик шахсларга қишлоқ хўжалик, давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун фойдаланишга ва ижарага ер бериш сингари вазифалар киради.

Ер Кодекси лойиҳаси муҳокамада

Ер муносабатларини тартибга солишда туманлар давлат ҳокимияти органларига янада кенгроқ ваколатлар берилган. Ер Кодекси лойиҳасининг 6-моддасида ифода этилган бу ваколатлар орасида "Фуқароларга ерларни фермер хўжалигини юритиш учун ижарага бериш" ҳақида гап боради.

Шу банд тўғрисида икки оғиз ўз фикримни айтмоқчиман. Заҳира ерлардан фермерларга ер берилгани яхши. Лекин ўтган йиллар тажрибаси фермерлар орасида ерга оқилона муносабатда бўлмаётганлар борлигини яққол кўрсатди. Оқибатда неча гектарлаб ерларнинг умри беҳуда ўтди. Бундан на фермер, на жамоа хўжаликлари унумли фойдаланмадилар. Шу боис, мазкур банд: "Фуқароларга ерларни фермер хўжалигини юритиш учун ижарага бериш, айни пайтда уларга ер ажратишда ижарачининг деҳқончилик ёки чорвачилик соҳасида бой тажрибага эгалигини, қишлоқ хўжалиги борасида салоҳиятини ҳисобга олиш керак" тарзида баён қилинишини истардим.

Лойиҳанинг 41-моддасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқий кафолатлар ҳақидаги қоидалар ўрин олган. Унда "Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ер участкалари уларнинг хоҳишига кўра туман ёки шаҳар ҳокими томонидан аввалги ерига тенг ер участкаси ажратилгач, шу ер участкаси олиб берилаётган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар олиб қўйилаётган ернинг ўрнига янги жойда уй-жой... қуриб бергандан кейин ҳамда бу Кодекснинг 85-моддасига мувофиқ барча зарарлар (шу жумладан бой берилган фойда) тўла ҳажмда қопланганидан кейин давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун олиниши мумкинлиги баён қилинган.

Гоҳо шундай ҳолатлар ҳам бўладики, фуқаролар ер участкаларини улар билан келишмай, мажбурий тарзда корхона ёки ташкилот олиб қўяди. Ёки қопланган зарардан фуқаронинг кўнгли тўлмайди. Бундай воқеалар илгари ҳам содир бўлган. Шуни назарда тутиб, мазкур бандга "Фуқароларга берилган ер участкалари Ер Кодексига хилоф равишда олиб қўйилса, жисмоний шахслар судга мурожаат қилишга ҳақлидирлар", деган жумла ҳам киритилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Биз мазкур лойиҳани жамоа фаоллари йиғилишида муҳокама этдик. Уни тайёрлашда мутахассислар ҳар томонлама пухта ва масъулият билан ёндошганликлари сезилиб турипти.

Замон БАЖАҚОВ,
Ўртачирчиқ туманидаги Акмал Икромов номли жамоа хўжалиги бош ҳосилоти.

ҲАР ДОИМ СИНОВДАН ЎТАДИ ВИЖДОН

...УНИ КАСАЛХОНАГА ўта оғир аҳволда келтиришди. Шифокорлар сукут сақлаб бош чайқашарди. Чап оёқ беш жойидан синган... Ўнг елка пачоқланган... Битта қовурға кетган... Ўнг оёқ лат еган... Энг ёмони, қовуқ ёрилган. Йигит хушсиз ва карахт эди.

...Ўнинчи кунга бориб ҳаста кўзини очди. "Хайрият, мия жароҳатланмаган экан". Оқ халатли кишининг сўзлари аранг қулоққа чалинди: "Бардам тутинг ўзингизни, ишлар жойида бўлади... Мен профессор Ўткир Исломбековман..." У касалхонада, кимсасиз реанимация хонасида ётганлигини тушунди.

Энди у ўша кунги воқеаларни бир-бир хаёлидан ўтказа бошлади... Ҳа, ҳа, ҳаммаси тушдан кейин, ўша раҳбарнинг идорасида рўй берди. Иккинчи котиб арзимас нарсани баҳона қилиб, уни обдон ўрис тилида ҳақорат қилди. У аввал одоб сақлаб турди. Кейин чидай олмади.

— Шундай қилган бўлсам, ўзим учун эмас, халқ учун қилдим, хонадонларга газ керак, сув керак, қачонгача ўтин, кўмир ёқиб, тирикчилик қилишади. Виждоним...

— Тупурдим, сенгаям, виждонинггаям, халқинггаям, менга деса, кирилиб кетмайдими?.. Нега менинг хоҳишимга қарши юрдинг?

— Ахир...

— Тур, йўқол, эртага масалангни ҳал қиламан!..

— Ихтиёрингиз, осмон қўлингизда бўлса, ташлаворинг...

Кейин нима бўлди? Ҳа, у Паркентдан Тошкентга хизмат машинасида эмас, ўзининг "Жигули"сида келган эди. Катта айланма шох йўлга чиқди. Ҳаяжонда, асабийлашган алфозда машинани елдай учирди. ...Дарвоқе, бензин оз эдия... Тежаш керак... Калитни ўчирди. Орадан бир дақиқа ҳам ўтмади. Бурилиш!.. Рул айланмади. Зарба. Кўзлардан ўт чақнаб кетди... Қолгани эсида йўқ...

...Наҳотки, ҳаёт шунақа? Наҳотки, раҳбарлар шунақа бўлса? У йигирма йилдан буён турли лавозимларда ишлаб "катта оға"лардан фақат сўкиш, дашном эшитса. Улар икки гапнинг бирида "сиз эмас, биз хўжайинмиз" дейишса. Эркин, бемалол, ақл-заковат билан ишлашга йўл беришмаса. Қачонгача шундай бўлади?..

Лекин у ҳамиша бу кунларнинг ўтиб кетишига, мустақиллик, озодлик замонлари келишига ишониб яшади.

У меҳнат фаолиятини бошлабдики, ўз халқига, ўз милларатига, ўз Ватанига хизмат қилиш, эл-юрт иши учун камарбаста бўлиш, одамлар кунига яраш сингари фазилатларга содиқ қолди. Республика газлаштириш бош идорасининг 12-бошқармасида уста, ҳозирги Зангиота туманида жамоа хўжаликлариаро қурилиш бошқармасида бўлим бошлиғи, бош муҳандис, туман ижроия қўмитаси раисининг қурилиш бўйича муовини, республика махсус қурилиш трести бошқарувчиси, собиқ Калинин тумани ижроия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари, кейин раиси, Паркент туманида биринчи раҳбар бўлганда ҳам ҳеч қачон ўз эътиқодидан қайтмади, қайтолмади.

У Зангиота тумани маркази-

Шундайлар бор бўлсин

ни барпо этишда биринчи ғишт қўйганлардан бири бўлганлиги билан фахрланади. Қисқа вақт мобайнида замонавий русумдаги шаҳарча бунёд этилди. Кўп қаватли маъмурий бинолар, турар-жойлар, кенг кўчалар, истироҳат боғлари вужудга келди. Кейин-чи? Кейин Тошкент вилоятининг Чиноз, Юқоричирчиқ, Оққўрғон ва бошқа туманларида чорвачилик мажмуалари барпо қилди. Ғазалкент тўғонидан бошланиб, 47 километрга чўзилган Паркент канали қурилишининг ўзини бир достон қилса бўлади... "Чоткол", "Бўстон", "Соҳибкор", "Намданак" сингари янги хўжаликларнинг яратилиши-чи?

Қанчадан-қанча қад кўтарган мактаблар, болалар боғчалари, шифохоналар, туғруқхоналар, спорт иншоотлари-чи? Узоқ масканлардаги хонадонларга тортилган "зангори олов", ичимлик сувларининг тармоқлари-чи? Ҳар ҳолда улар оилаларнинг мушкулини осон қилмоқда, кундалик оворагарчиликлардан халос этмоқда... Лекин, у Аллоҳдан омонлик сўрайди, омад тилайди...

Буни қарангки, виждони бор одам антиқа ҳатти-ҳаракатларга ҳам қодир бўлар экан. Автоҳалокатга учраган йигит анча ўзига келиб қолган, ўзгалар кўмагида амал-тақал юра бошлаган эди. Тўрт ой сурункасига гипсда бўлган, турли аъзоларига ҳар хил тошлар шодаси осиб қўйилган хаста кунларнинг бирида дардустдан йўқолиб қолди. Касалхонада тўс-тўполон бошланди.

— Ҳар сония кўз олдимдан чала қолган ишлар ўтаверди, — деб хотирлайди собиқ "қочоқ", — ҳамюртлар мендан гина қилаётгандек туюлаверди. Виждоним таскин топмади. Қарасам, дўхтирлар ҳали-вери жавоб бермайдиган. Бир куни таваккал қилиб, қочиб кетдим. Кейин етти ой қўлтиқ-таёқда юриб, ишладим...

Метин ирода, мустаҳкам бардош уни янги-янги бунёдкорликларга ундади. Натижада яна қатор яхши ишлар амалга оширилди. Жумладан, Паркентда қурилган офтоб қувватидан фойдаланиш иншооти — "Қуёш" мажмуаси, "Гелио" деб аталган коинот антеннаси вужудга келди. 34 километр тармоқ тортилиб, Паркент канализацияси пойтахт нуқтасига уланди. Бу ишлар камдан-кам учрайдиган нодир ечимлар эди.

Бардоши барқарор, виждони тоза, масъулияти мустаҳкам, ишончи буюк одамларгагина бундай хайрли, савобли ишларни адо этиш насиб этади. Шу боис улар ҳар гал мушкулликлар устидан ғолиб чиқадилар. Биз ҳикоя қилган оғамиз ҳамон яхшилар сафида ўзининг инсонийлик, фидойилик, фарзандлик бурчларини астойдил бажо келтириб, меҳнат қилмоқда. У ҳозир вилоят ҳудудий-коммунал фойдаланиш бирлашмасининг бош раҳбари лавозимида ишламоқда. Айни пайтда у Тошкент вилоят ҳокимининг ўринбосари ҳамдир.

Биз юқорида ҳикоя қилган воқеалар Ҳамидулла Аҳмедов умрининг айрим лаҳзалари холос. Лекин, қатрада — қуёш, деганларидек, ўшандай лаҳзалар ҳар бир инсоннинг кимлигини, нималарга қодир эканлигини кўрсатувчи вақт ўлчовига киради. Вақт ўлчови эса одам умрининг ҳақиқий баҳосидир. Кимки бу синовлардан аъло ўтса, комил инсон деган номга мушарраф бўлгусидир.

У яқинда ўз умрининг олтмиш биринчи баҳорига қадам қўйди. Ҳали унинг ушалмаган орзулари бисёр. Унга сиҳат-саломатлик, бахтли ҳаёт ҳамиша ҳамроҳ бўлаверсин!..

Раҳимберди УМАРОВ.

ХАЙРИЯДА ҚАТНАШМОҚДАЛАР

ТОЛИБЖОН Содиқов номидаги халқаро ноҳукумат мусиқа жамғармаси, "Маънавият ва маърифат" маркази ва бошқа қатор жамоат ташкилотлари ташаббуси билан "Болалар табассуми — келажакка ишонч" шиори остида ўтказилаётган ҳайрия-инсонпарварлик ишида чирчиқлик бадиий ҳаваскорлик тўгараклари, айниқса, болалар дасталари фаол қатнашмоқдалар.

Яқинда улар Бўка туманида бўлиб, қатор қишлоқлар аҳолиси ва болалари олдида ўз санъатларини намойиш қилдилар. "Қалдирғоч" вокал, "Гўзал" рақс гуруҳлари, "Солнишко" хореография студияси иштирокчиларининг чиқишларини қизиқиш билан кутиб олдилар.

Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги доимий бўлиб қолсин

ҲЕЧ КИМ ЧЕТДА ҚОЛМАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига биноан ўтказилган ҳаракат хавфсизлиги ойлиги ниҳоясига етди. Вилоят Ички ишлар бошқармаси "Ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги"ни вилоят ҳокими қарори асосида ишлаб чиқилган режага биноан олиб борди.

Мазкур тадбир вилоятимизда қандай ўтганлиги хусусида вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, милиция полковниги Э. ЭРКАЕВ қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Аввало, шуни айтиб ўтиш лозимки, тадбир бошлангандан буён йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш самарадорлиги анча ортди. Транспорт ва пиёдалар ҳаракати, серқатнов йўллар ва жойлар вақтида аниқланиб, кўрикдан ўтказилди. Транспорт воситаларининг техник тайёргарлиги янгиланди. Тадбир мобайнида вазирликлар, корхона ва ташкилотлар, муассасалар куч ва имкониятлари бирлаштирилди. Бу ишга кенг жамоатчилик жалб этилди. Натижада кўпгина бахтсиз ҳодисаларнинг олди олинди.

Олдиндан тузилган режага асосан ўз фаолиятини олиб борган вилоят ИИБ Давлат автомобил назорати бошқармаси ходимлари вилоятнинг концерн, бирлашма ва жамиятлари билан ҳамкорликда жорий йилнинг март ойида ҳайдовчилар ўртасида йўлларда ҳаракатланиш интизомини кучайтиришга, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган бир қатор чора-тадбирларни амалга оширдилар.

Ойлик давомида белгиланган тадбирларнинг моҳияти ҳақида меҳнат жамоалари ва аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари кенг йўлга қўйилди. Жумладан, ойлик давомида автохўжаликлар, меҳнат жамоалари, болалар муассасалари ва аҳоли яшаш жойларида 2115 марта суҳбатлар ўтказилди.

Ўқувчиларнинг баҳорги таътили даврида вилоят халқ таълими бошқармаси ходимлари билан биргаликда мактаб ўқитувчилари ўртасида семинар машғулотлар ўтказилди. Қибрай, Янгийўл, Бўстонлиқ туманлари ва Ангрен шаҳрида ҳудудий семинар машғулотлар бўлиб ўтди.

"Тошвилйўловчитранс" концернидан 12 та, "Тошвилюктранс" концернидан 9 та жами 21 та махсус ҳаракат хавфсизлиги автоуловлари ва ҳаракат хавфсизлиги муҳандислари ажратилиб, тузилган жадвалга асосан ДАН ходимлари билан ҳамкорликда йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш жараёнларида қатнашдилар.

Шунингдек, ўша давр мобайнида тегишли ташкилотлар вакиллари билан ҳамкорликда вилоят ҳудудида жойлашган халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятга молик бўлган йўлларнинг назорат кўриги ўтказилди. Аниқланган камчиликлар бўйича 8 раҳбар ходимга нисбатан маъмурий чора кўрилди. "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акционерлик жамиятига қарашли бўлган темир йўл кесишмалари ҳам ҳайъат аъзолари назаридан четда қолмади. Натижалари бўйича 3 та раҳбар ходимга маъмурий жазо чоралари қўлланилди.

Умумфойдаланишдаги автомобиль йўлларида мавжуд бўлган жойлар номлари, йўл белгиларининг 48 таси лотин алифбосида ёзилди.

Ҳалокат содир этиб, воқеа жойидан кетиб қолган ҳайдовчиларни, ўғирланган, олиб қочилган транспорт воситаларини аниқлаш мақсадида эҳтиёт қисмлар сотиладиган жойлар, шахсий ва давлат тасарруфидаги автомобилларга техник хизмат кўрсатиш устахоналарига рейдлар уюштирилди. Оққўрғон, Янгийўл, Бўка, Тошкент туманларида ўтказилган бундай тадбир туфайли 60 дан ортиқ устахоналар ва улардаги 200 дан зиёд автотранспорт воситалари текшириб чиқилди. Олмалиқ ва Чирчиқ шаҳарлари транспорт воситалари сотиладиган бозорларда қидирув ишлари ўтказилиб, юздан ортиқ транспорт воситалари кўздан кечирилди. Натижада, 7 та ишонч қоғози бўлмаган ва 6 та техник кўрикдан ўтмаган транспорт воситаси аниқланди ва улар бўйича баённомалар тузилиб, жойлардаги ДАН бўлимларига юборилди.

Тадбирни ўтказиш мобайнида манзил нозирлари, воягa етмаганлар билан ишлаш, қўриқлаш ва жамоат таркибини сақлаш ходимлари ҳам қатнашиб, ойликни сифатли ўтишига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Мазкур хизмат ходимлари томонидан 500 га яқин йўллардаги ҳаракатланиш қоидабузарликлари аниқланди. Олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг март ойида ўтган 1997 йилнинг шу даврига нисбатан йўл-транспорт ҳодисалари сони 4,7 фоизга, уларда ҳалок бўлганлар сони 32 фоизга, жароҳатланганлар сони 1,2 фоизга, болалар иштирокидаги ЙТҲлар сони 18,2 фоизга, уларда ҳалок бўлганлар сони 75 фоизга камайтиришга эришилди. Шунга қарамай вилоятимиздаги айрим концерн, бирлашма ва жамиятларга қарашли идора ва корхоналарда ушбу ойликни ўтказишда қатор камчиликларга йўл қўйилди. Хусусан, "Қишлоқ ва сув хўжалиги" бошқармаси (Т. Габбасов), "Тошавтойўл" бирлашмаси (Б. Ўралов), халқ таълими бошқармаси (О. Тожиев)га қарашли корхона ва ташкилотларда тарғибот ишлари етарли даражада бўлмади. Транспорт воситаларига техникавий хизмат кўрсатиш, ҳайдовчилар ўртасида интизомни мустаҳкамлаш ишлари сусткашлик билан олиб борилди.

Умуман олганда "Ҳаракатланиш хавфсизлиги ойлиги" уюшқоқлик билан ўтказилиб, ижобий натижаларга эришилди. Энг муҳими тадбир давомида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги танланган йўл тўғрилиги яна бир бор синовдан ўтди.

Суҳбатдош: Баҳодир ЭГАМБЕРДИЕВ, вилоят ИИБ ДАНБ тарғибот ишлари бўлими бошлиғи, милиция майори.

СУРАТДА: Пскент тумани ИИБ ДАН бўлинмаси ходими милиция катта сержанти Абдуҳамид Шодмонов ҳаракат хавфсизлиги ойлигида фаол иштирок этди.

Даврон АҲМАД сурати.

ШУ ЯНГЛИҒ АНЖУМАН БЎЛСА...

Фоторепортаж

Кўпни кўрган, кўпга бош бўлган Чувалачи қишлоғи оқсоқолларининг тан олиб, эътироф этишларича кейинги йилларда юртимизда ўтаётган Наврўз айёмлари ўзининг бор шукуҳи, таровати, саҳоватпешалиги билан одамлар қалбини забт этаётир. Бу йилги Уйғониш фасли қут-баракаси, оилапарварлиги билан ҳам алоҳида ажралиб туради, дейишди улар.

Бугунги деҳқон дала-даштларини, боғу роғларини кўнгилдагидек ораста қилиб, экин-тикинларини кўзлаган режа бўйича экишни белгилаб олганидан кейингина эл-юртнинг кўнглини олиб, дастурхон ёзади. Ноз-неъматлар, кўкатлардан тайёрланган тансиқ таомлар билан бир қаторда баҳор туҳфаси сумалак тортилади ана шу байрам дастурхонига.

Шундай дилтортар, кўнгилочар тадбирлардан бири Тошкент туманидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалигида ҳам бўлиб ўтди. Бу ерда янграган Наврўз тароналари кўнгилларга олам-олам завқ-шавқ бахш этганини айтиб ўтишнинг ўзи кифоя қилар, деб ўйлаймиз.

Бу борада Чувалачи қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Зиёд ТОЖИБОЕВнинг ўзига хос фикри бор. У шундай дейди:

— Қишлоғимизда ўн бир минг аҳоли яшайди. Ҳар бирининг ташвишу қувончи, ушалгану ушалмаган орзулари бор, албатта. Тўғри, икки йил муқаддам жамоа хўжалигимиз меҳнаткашлари бор имкониятларини ишга солиб, меҳнат қилган бўлсаларда, йил қарз билан якунланганди. Туман ҳокимлиги қишлоғимиз оқсоқоллари билан кенгашган ҳолда жамоа хўжалиги раислиги лавозимига ёш, иқтидорли мутахассис Ботир Тўлагановни тавсия этди. Ботир шу қишлоқнинг фарзанди эмасми, ишни аввало одамларнинг кўнглини кўтаришдан, қишлоқни ободонлаштиришдан бошлади ва орадан бир йил ўтар-ўтмай, унинг саъй-харакатлари ўз самарасини бера бошлади.

Янги раиснинг қадами қутлуғ келди, десам кўпчиликнинг фикрини айтган бўламан. Худудимиздаги беморлар, ногиронлар, етим-есирлар, кам таъминланган оилалар ва қарияларга хайр-эҳсон кўрсатиш мақсадида жамоа хўжалиги биргина шу йилнинг ўзида 400 минг сўмга яқин маблағ сарфлади.

Қишлоғимизда ўйингоҳ, теннис корти ишга туширилди. Янги мактаб қурилишига тамал тоши қўйилди. Икки километр йўл асфальт қилинди. Сув тақчил бўлган маҳаллаларда қудуқ қазилиб, аҳоли ичимлик суви билан таъминланди. Шунингдек, беш километрга юқори босимли газ тармоғи тортилди. Бу ишларнинг амалга оширилишида жамоа хўжалиги, "Акмал" кичик корхонаси, "Абдусаттор" чорвачилик-ҳиссадорлик жамияти каби муассаса раҳбарлари ҳам баҳоли қудрат ҳисса қўшдилар.

Ҳарқалай, одамларимизнинг руҳи тетик, кўнгиллари тўқ. Шунинг учун ҳам улар бу йилги деҳқончилик ишларини авж олдириш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Ботир ТЎЛАГАНОВ:

— Мендан мана шу Наврўз кунларида "Тила, тилагингни" дейишса, албатта, деҳқонларимизнинг ҳосилига барака бersин, юртимизда тинчлик-хотиржамлик абадул абад ҳукм сурсин, дея истак билдирган бўлардим. Қолганлари-чи, дейсизми? Тани-жони соғ одамдан иш қочиб қутулармиди. Халқимиз меҳнаткаш, соддадил, бир-биридан меҳр-мурувватини аямайдиган кишилар эканлиги сир эмас. Ана шундай кишилар билан бамаслаҳат иш юритган раҳбар асло янглишмайди.

Келинг, рақамларга эътибор берайлик. Хўжалигимиз 738 гектар ерда деҳқончилик қилади. Шундан 320 гектарига буғдой сепиб қўйганмиз. Авжини кўриб, ҳавас қиласиз. 16 гектарга картошка экдик. Шунингдек, сабзи, карам, пиёз, помидор каби маҳсулотларни экиш тараддудида турибмиз. Узумзору шафтолизор, олхўри, гилос боғларимиз бор десам, ишонасизми?

Ўтган йили хўжалигимиз давлатдан 9 миллион сўм қарз эди. Уни ҳам уздик.

Дарҳақиқат, биз билан суҳбатлашган "Акмал" кичик корхонасининг раиси Абдурахмон Рўзиматов, Гултепа маҳалласи фуқаролар йиғини оқсоқоли Йўлдош Надибоев, оддий деҳқон Аҳмад Каримовлар бўлсин, ҳамма-ҳамманинг фикри ана шундай.

Шу куни Чувалачи қишлоғида бўлиб ўтган Наврўз шодиёналари оқшом тушгунга қадар давом этди.

Биз эса чувалачилик саҳоватпеша деҳқонларнинг оила йилида қилаётган ишларига қут-барака тилаб, ортимизга қайтдик.

Шавкат ТУРОБ,
Умид АҲМЕДОВ
(суратлар),
"Тошкент ҳақиқати" махсус мухбирлари.

Суратларда: Алишер Навоий номли жамоа хўжалигида бўлиб ўтган наврўз шодиёналаридан лавҳалар.

КАТТА ХИРМОН БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

Ғаллани суғориш, ўғитлаш. Касаллик, зараркунанда ва бегона ўтларга қарши кураш

Баҳор келиб, кунлар илиши билан ғаллага куч кирди, майсалар қалин тортиб, гуркираб ўса бошлади. Шу сабабли ҳозирги кунлар экинга айни ишлов берадиган долзарб давр ҳисобланади. Агар агротехника чора-тадбирларини ўз вақтида қўллаб, парвариш қилинса, ўрим-йиғим пайтида хирмон тош босиб, мўл ҳосил олиш мумкин. Аммо, аксинча, шу кунги энг долзарб ишлар вақтида қилинмай, ғаллани ўт босгириб, чанқатиб қўйилса, хирмондан барака кўтарилиб, "аттанг" деб қолиш мумкин. Шу сабабли биз қуйида ғаллачиликда шу кунларда амал қилишнинг энг муҳим тадбирларини тавсия қиламиз.

Мутахассис тавсия этади

Экинни ўғитлаш ва суғориш. Вилоятимиз хўжаликларида асосий майдонларга экилган "Скифянка" навли буғдой агротехника тадбирларига аниқ амал қилиб ишлов беришни ёқтиради. Шу сабабли ғалланы озиқлантришда ўғитни табақалаштириб, экин қишдан чиққач, дастлаб февраль ва март ойларида, сўнгра март ва апрель ойларида найчалаш даврида солинса яхши самара беради.

Кузда фосфорли ўғитлар берилмаган майдонларда эрта баҳорда шу ўғитларни солишни тавсия қиламиз. Шундан кейин экинни кетма-кет суғориш лозим. Бу ишлар нафи айниқса, ғалланинг найчалаш ва бошоқлаш даврида кўпроқ бўлади. "Скифянка" баҳорда биринчи ва иккинчи марта озиқлантирилгандан кейин ҳар гектар ерга бериладиган сув миқдори 600-700 куб. метрни, бошоқлаш даврида 700-750 ҳамда мум пишиш даврида 750 куб. метрни ташкил этиши зарур. Экин баҳор пайтидан бошлаб беш-олти марта ва ундан ҳам кўпроқ сув ичади. Сизот сувлари ер юзига яқин жойлашган ерларда экин ерости сувларидан қўшимча сув ичиши мумкин бўлгани сабабли суғориш миқдори 20 фоизгача камайтирилади.

Касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш чоралари. Вилоятимиз ғаллазор

Шеърият

СИЗГА ҚАЛБДАН ГҮЛ ТУТАР ШОИР...

Паркентлик шоир Маҳмуд Тоировни муштарийларга алоҳида таништиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Зеро, ўзига хос овоз, ўзига хос оҳанг билан ижод қилаётган бу истеъдодли шоир аллақачон муҳлислар эътиборига тушган. У бир неча китоблар муаллифи, қатор шеърлари эса қўшиқ қилиб куйланмоқда. Бугун унинг ўз дил боғидан саралаб териб, таҳририятга олиб келган янги шеърий гулдастасини сиз азиз назм шайдолари эътиборига ҳавола қилмоқдамиз.

КУРТАГИДА КУЛГУ БОР

Чинорларни чимчилаб тўймайди еллар,
Ҳар гулни бир ўпмаса қўймайди еллар,
Унмасалар ундириб ўйнайди еллар,
Куртагида кулгу бор баҳор, болажон,
Тилагида туйғу бор баҳор, болажон!

Улғаюрсан, сенинг ҳам ўз боғинг бўлгай,
Алвон-алвон лолалар чироғинг бўлгай,
Тилин топсанг майсалар ўртоғинг бўлгай,
Дунё тоза сен каби наҳор, болажон,
Бешигингни бошида баҳор, болажон!

Билсанг қушлар қанотин қарзга бермагай,
Ерда юриб ҳеч кимса юлдуз термагай,
Ирмоғи йўқ дарёлар ханда урмагай,
Ирмоқ бўлсанг изингда гул бор, болажон,
Гулда эса булбулдек қул бор, болажон!

Кўзларингга кулгуни куртаклар берсин,
Юзин кўрма қайғуни курмаклар берсин,
Ўғил берса элга шер ўраклар берсин,
Умринг тилаб битганим ашъор, болажон,
Қутлуғ бўлсин сенга илк баҳор, болажон!

ЭЪТИРОФ

Миннатли мезбонга меҳмон бўлгандан,
Қадр кўрғонида қул бўлган яхши.
Ҳикмат бор, ёт элда осмон бўлгандан,
Ватан тупроғида кул бўлган яхши.

Тикондан асрасин деймиз Худойим,
Тикон еган қўйга янтоқ мулойим,
Қуёш ерда кўрмиш ўзин чиройин,
Тил топиб тиконга дил бўлган яхши.

Илдиз илтифоти чинорга бўйдир,
Тош топсанг иморат пойига қўйдир,
Туш кўрсанг таъбирин оқилга йўйдир,
Тўғри сўз қирқ ёрса қил бўлган яхши.

Дилга кўз бўлолмас ойдайин юзлар,
Куйган дил қуймоқчи бўлганни излар,
Ҳавода ҳазонга айланса сўзлар,
Булбул бўлолмасанг гул бўлган яхши.

Жилғадай жилмайгин, ҳаёт уммондир,
Яхшига тош отсанг яхши қалқондир,
Маҳмуд, бил, қай дилга иймон посбондир,
Шу аҳли иймонга эл бўлган яхши.

КЎҲНА ҚЎШИҚ

Меҳмон келса қадамига,
Тўкилгани ҳавас бўлсин.
Дуо олсанг дуогўйинг
Гулдек тоза нафас бўлсин.

Отам дегин, онам дегин,
Тилинг ширин сухан бўлсин,
Фарзанд кўрсанг кулгусида,
Нигоҳида Ватан бўлсин.

Доғи бор деб битта ойнинг
Юзига чанг солаверма.
Бир янглишган бечорадан,
Учим бор деб, олаверма!

Қотган нонинг қатларида,
Очнинг кўнгли гул очармиш.
Нодон итин тувагига,
Обрў учун пул сочармиш.

Худо берган насибангни
Қўлинг бор-ку, ушатиб ол.
Йиғи келса, юрагингга,
Йиғиб қўйма, бўшатиб ол.

Олчи турса отаверма,
Маҳмуд, омад ошиғини.
Сенгача ҳам куйлаганлар
Кўҳна дунё қўшиғини.

КЎНГИЛ КЎРКИ

Кўнглимиз кўркида гул, кўргингиз келмайдими,
Бу чаманга жилмайиб киргингиз келмайдими,
Биз юрган йўлларда ёр, юргингиз келмайдими,
Чирсиллаган чўғ эдик, кул қилиб қўйдингизку,
Қайғунгизда қартайган қул қилиб қўйдингиз-ку!

Кўнглимиз кўркида гул, сиз кўрган баҳорда йўқ,
Оҳимиз оромлари сиз чертган дуторда йўқ,
Бу дунёнинг жафоси биз чеккан озорда йўқ,
Ситамлар сахросида сил қилиб қўйдингиз-ку,
Ўз-ўзига йиғлаган дил қилиб қўйдингиз-ку!

Армонини ортмоқлаб, бахтли бўлган бормикин,
Дил дардини қадоқлаб, тахтли бўлган бормикин,
Ҳар севган ҳар кўчада биз каби хор-зормикин,
Қадри йўқ, қарори йўқ, ел қилиб қўйдингиз-ку,
Ўзанини ўртаган сел қилиб қўйдингиз-ку!

Кўнглимиз кўркида гул боғбонида жон битта,
Биз каби ошиқ биру, сиз каби жонон битта,
Сиғмайин қолдим мано, ер битта, осмон битта,
Бу дунёнинг чеки йўқ чўл қилиб қўйдингиз-ку,
Маҳмудни Мажнунларга эл қилиб қўйдингиз-ку!

ГУЛ ТУТСАК

Гул тутсак қўлингизга гул яна гуллаб кетар,
Қошингиз қалдирғочни ваҳ қайга имлаб кетар,
Райҳонлар ифор тўкиб, изингиз излаб кетар,
Биз яна ортингиздан бўзлаб қолган "бола"миз,
Ошиқлар оҳидаги адо бўлмас ноламиз.

Юлдузлар айтиб берсин, ойнинг томошасини,
Анҳорлар қайтиб берсин, тутган тошойнасини,
Еллар ҳам етказмасмиш, биз ғариб гинасини,
Гинамиз гардининг ҳам гулхани бор билсангиз,
Жонимиз жарангларди киприкларда тилсангиз.

Баҳор боғларга сиғмас, васлингизни ўйласак,
Қонимиз қатрасида қирқ қўшиқ бор куйласак,
Дол қаддимиз алф бўлур, бўйингизга бўйласак,
Чиройингиз чашмидан қултум ичиб қонмадик,
Биз ўздан тонганда ҳам, Гулим, сиздан тонмадик.

Ким ҳам бўлмабди ахир, офтобнинг оввораси,
Офтобим, борми айтинг, бу зулматнинг чораси,
Маҳмудни демасинлар ошиқлар бечораси,
Бағрингиз болишида балқиган бахт бўлайлик,
Кафтимизнинг қўшкига бир чиқинг тахт бўлайлик.

КЎЗИМ — ҲАЙРАТ ЁҚҚАН ЧИРОҚ

Кўзларимда кулган гулим,
Тилагимда унган гулим,
Юрагимдан юлган гулим,
Сени кимга тутайин, айт?

Кўксим биров чиқмаган тоғ,
Дилим ҳеч ким кирмаган боғ,
Кўзим ҳайрат ёққан чироқ,
Сени кимга тутайин, айт?

Жисмимдаги жондай сўзим,
Қуш қидирган дондай сўзим,
Онам ёпган нондай сўзим,
Сени кимга тутайин, айт?

Шеърим менинг дил гавҳарим,
Дилим гулдир, ҳам заргарим,
Дил қонидан топган зарим,
Сени кимга тутайин, айт?

Қуёш қучиб тўйган Ватан,
Ой тонггача суйган Ватан,
Исмин жонга ўйган Ватан,
Сенсиз яшаб нетайин, айт?

ЙИҒЛАСАНГ...

Майли йиғла, тўкилиб олгин,
Мажнунтолдек букилиб олгин,
Сенда бу ҳол бўлмаган сира,
Қара, кўз ёш қандай бокира.

Лекин, эй дўст, ёдда тут шуни,
Ўзни унут йиғлаган куни.
Демайман сен ҳамроҳга йиғла,
Йиғласанг бир Оллоҳга йиғла.

Маҳмуд ТОИРОВ.

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

УМИДЛИ ТЕННИСЧИЛАР



ВИЛОЯТИМИЗДАГИ 1-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби стол тенниси бўлими талабаларининг вилоят ва республикада ўтказилаётган мусобақаларда совринли ўринларни эгаллашлари одат тусига кириб қолди.

СУРАТЛАРДА: ёш теннисчи Маъмура Саитхўжаева; мураббий Юрий Хегай машғулот пайтида.

Умид АҲМЕДОВ олган суратлар.

"МЕТАЛЛУРГ" – ОЛДИНДА, "ДЎСТЛИК" ЭСА...

КУНИ КЕЧА республикамизнинг 8 та шаҳрида олий табақа жамоалари V тур учрашувини ўтказдилар. Бухоро шаҳрида маҳаллий "Бухоро" жамоасига қарши тўп сурган "Дўстлик" 3:1 ҳисобида мағлубиятга учради.

Бу йилги чемпионатда мазкур жамоаларнинг куч ва имкониятлари деярли теппа-тенг. Мақсадлари ҳам бир хил — кучлилар қаторидан жой олиш, чемпионат кубогини қўлга киритиш эди.

Бевосита ўйин тафсилотига келсак, учрашув асосан тенг кураш муҳитида ўтди. Аввал икки томон ҳам таваккалчиликдан кўра эҳтиёткорликни афзал билиб, ҳаракат қилишди. 22-дақиқага келиб мезбонларнинг ҳужуми гол билан якунланди. Тўпни дарвозага "Бухоро" жамоасининг сермаҳсул ҳужумчиси Вячеслав Колода йўллади. Шундан сўнг "Дўстлик" ўйинчилари ҳам сергак тортдилар. Вакилларимиз ҳисобни тенглаштиришга роса уринишди, бироқ, биринчи бўлим тугагунча ҳисоб ўзгармади. Иккинчи бўлим ҳам вакилларимизнинг ҳужуми билан бошланди ва мезбонлар дарвозаси олдида кетма-кет хавфли вазиятлар вужудга кела бошлади. Аммо, шу куни ҳужумчиларимиздан омад юз ўгирди. 79-дақиқада "Бухоро" жамоасининг хавфли ҳужумини ярим химоячи Николай Сергоенко тўп киритиш билан якунлади. Шундан сўнг "Дўстлик" ўйинчиларининг кайфиятлари бузилди. Албатта, шундай ҳолат мезбонлар учун қўл келди. Орадан бир дақиқа ўтар-ўтмас ярим химоячи Шуҳрат Файзиев яна дарвозабонимизни доғда қолдирди. Энди вакилларимиз нима қилиб бўлса ҳам ҳисобни қисқартириш, йирик мағлубиятдан қутулиш учун астойдил курашдилар. Ниҳоят, учрашувнинг сўнгги дақиқаларида тиниб-тинчимас Абдуқаҳҳор Маъруфалиев мезбонлар дарвозасига ягона жавоб тўпини йўллади — 3:1.

Бекобод шаҳрининг "Металлург" жамоаси бу турда "Косонсой" жамоасини қабул қилди. Учрашувнинг биринчи бўлимида қанча уринишмасин, вакилларимизнинг ўйинлари қовушмади. Гарчи майдон эгаларининг устунлиги сезилиб турса-да, биринчи бўлим тугаганда ҳисоб 0:1 эди. 33-дақиқада "косонсой"чи Заҳриддин Акбаров киритган тўп жавобсиз қолди. Танаффусда бош мураббий Я. Карповнинг кўрсатмасини олган мезбонлар тўққиз мингга яқин ишқибозларнинг ишончини оқлашга киришди. 48-дақиқада Баҳодир Саиткамолов ҳисобни тенглаштирди. 77-дақиқада тажрибали ҳужумчи Абдулла Умарбеков эса ўз жамоасини олдинга олиб чиқди. 81-дақиқада Сенкевичнинг аниқ зарбасидан сўнг ҳисоб 3:1 га етиб, "Металлург" ғалабаси мустаҳкамланди.

Урганчдан маҳаллий "Хоразм" ва чемпионат пешқадами Наманганнинг "Навбаҳор" жамоалари ўртасидаги учрашувни турнинг энг марказий ўйини бўлди дейиш мумкин. Кескин курашлар остида ўтган бу учрашувда мезбонлар ярим химоячиси Станислав Моргулис томонидан 72-дақиқада киритилган ягона тўп пешқадамга илк мағлубиятни "ҳадя" этди. Қизиғи шундаки, энди бир йўла тўрт жамоа 12 тадан очко билан жадвал бошини банд этиб турибди.

Қолган учрашув натижалари қуйидагича бўлди: "Сурхон" — МХСК — 5:0, "Сўғдиёна" — "Насаф" — 2:1, "Темирйўлчи" — "Трактор" — 2:0, "Андижон" — "Нефтчи" — 0:2.

V ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ:

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1." Навбаҳор"	**5**	**4**	**0**	**1**	**10-2**	**12**
2. "Пахтакор"	**5**	**4**	**0**	**1**	**12-5**	**12**
3. "Нефтчи"	**5**	**4**	**0**	**1**	**11-4**	**12**
4. "Бухоро"	5	4	0	1	8-3	12
5. "Сўғдиёна"	5	3	0	2	6-5	9
6. "Хоразм"	5	2	2	1	7-4	8
7. "Насаф"	5	2	2	1	6-4	8
8. "Дўстлик"	5	2	1	2	5-5	7
9. "Зарафшон"	5	2	1	2	4-5	7
10. "Андижон"	5	2	0	3	9-8	6
11. "Сурхон"	5	2	0	3	8-7	6
12. "Металлург"	5	2	0	3	6-7	6
13. "Трактор"	5	2	0	3	3-8	6
14. "Темирйўлчи"	5	1	0	4	6-15	3
15. "Косонсой"	**5**	**0**	**1**	**4**	**3-10**	**1**
16. МХСК	**5**	**0**	**1**	**4**	**3-15**	**1**

Абдулазиз РАИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ҲИММАТ

ТОШКЕНТ туманидаги Ҳасанбой қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Норхўжа Амин маҳалласи ҳудудида Ийд-уладҳа — Қурбон ҳайити муносабати билан янги гузарнинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Уни ака-ука тадбиркорлар Зоҳиджон ва Муроджон Азимовлар шахсий сармоялари ҳисобига қурдилар. Бу гузарда маҳалла идораси учун иккита кенг ва ёруғ хона ажратилди. Шунингдек, Оталар чойхонаси, нонвойхона, автоуловларни созлаш устахонаси, қандолатчилик цехи мавжуд. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ака-ука Азимовларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли маҳалланинг элликка яқин йигит-қизлари доимий иш билан таъминландилар.

Саидғани САЙДОЛИМОВ.

Об-ҳаво

РЕСПУБЛИКА об-ҳавони кузатиш бош бошқармасининг хабарига қараганда, 15—19 апрель кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳавонинг мўътадил келиши кутилади. Шу муддат охирига бориб, баъзи туманларда бироз ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши эҳтимоли бор.

Ҳарорат кечалари 12—17, кундуз кунлари 26-31 даража иссиқ бўлади.

ЭЛЛОНЛАР, БИЛДИРИВЛАР

Боулинг-юлдуз спорт соғломлаштириш маркази барча мусулмон халқини бўлиб ўтган Қурбон ҳайити айёми билан муборакбод этиб, 1998 йил – Оила йилида барча оилаларга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, орзу-ниятларининг амалга ошишини тилаб қолади.

Амир Темур кўчаси, 60-уй. Тел.: 35-18-30

Божхона бекати

ЭЛ РИЗҚИНИ ҚИЙМОҚЧИ БЎЛГАНЛАР

Баъзи турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари республикамизда етарлича ишлаб чиқарилаётган бўлса-да, уларга бўлган эҳтиёжда тақчилликлар сезилаётгани сир эмас. Хўш, бунинг сабаби нима? Қуйида ана шу саволга жавоб бўлгулик ғайриқонуний ҳолатларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

● ЮКИ оғирлигидан таги ерга теккудек бўлиб келаётган "Москвич — 412" русумли автоулов "Ғиштқўприк" божхона маскани ёнида тўхташни "унутганча" ўтиб кетаётган эди. Божхона ходимлари бунга йўл қўйишмади.

Текширувда маълум бўлишича, республикамиз фуқароси, 1962 йилда туғилган С. Мавлонов 650 килограмм унни яширин ҳолда қўшни мамлакатга олиб кетмоқчи бўлган экан. Табиийки, бу юкнинг ҳеч қандай ҳужжати йўқ эди.

● "ХАЛҚОБОД" божхона пости ходимлари томонидан "УАЗ-469" русумли автомашина текширилганида Қозоғистон Республикаси фуқароси Арслон Утенов нархи 28 минг сўмлик 350 килограмм олмани божхона юк баённомасида кўрсатмай, республикамиз ҳудудидан яширинча чиқиб кетмоқчи бўлганида ушлаб қолинди.

● ШУНИНГДЕК, 1961 йилда туғилган, қозоғистонлик Эргашали Отаназаров ҳам нархи 24 минг сўмлик 200 килограмм апельсинни четга олиб кетмоқчи бўлган эди. Лекин, уддалай олмади. Ҳеч қандай ҳужжати бўлмаган бу юкнинг қаердан олинганлигини ҳуқуқ-тартибот посбонлари аниқлайдиган бўлишди.

● "ТОШКЕНТ" божхона мажмуи ходимлари "Москвич-412" автоуловини божхона кўригидан ўтказганларида республикамиз фуқароси С. Юсупов нархи 60 минг сўмлик 400 килограмм мандаринни ҳеч қандай ҳужжатсиз четга олиб кетмоқчи бўлганлиги учун тўхтатиб қўйилди.

● БУГУН ички бозорларимизнинг тўкин бўлишида тижоратчиларнинг ҳам муносиб улушлари бор. Мол олиб кириш ва олиб кетиш божхона тартиб-қоидалари асосида бўлиши шарт. Тожикистонлик фуқаро Т. Саидмуродов ҳам тижорат ишлари билан шуғулланиси келди шекилли, нархи 10 минг 800 сўмлик 90 дона "Столичний" арағини акциз маркасисиз яширин ҳолда айланма йўл орқали юртимизга олиб кирмоқчи бўлганида "Равот" божхона пости ходимлари унинг бу фаолиятига чек қўйдилар.

● УШБУ ва юқорида келтирилган барча ҳолатлар бўйича божхона маъмурийсуриштирув ишлари олиб борилаётир. Эл ризқини қиймоқчи бўлган бундай кимсалар ўз манфаатлари йўлида ҳеч нарсадан тоймасликларини кўриб турибсиз. Ахир, ётиб ялаганга тоғ ҳам чидамайдику!

Ботир ҲУСАНБОЕВ,
вилоят божхона бошқармаси матбуот маркази ходими.

Ўзбекистон Республикаси коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳайъати ва жамоаси 7-кўчма механизациялашган жамлама бошлиғи З.Ю. Юсуфбоевга волидаи муҳтарамаси

ТОЖИХОН аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Тошкент вилоятй ҳокимлиги жамоаси вилоят иқтисодиёт ва статистика бош бошқармаси бошлиғининг муовини

Николай Васильевич КРИВОВнинг

бевакт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент вилоят улгуржи мевасабзавот ҳиссадорлик бирлашмаси

ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади: 700143, Тошкент, Буюк Ипак йўли кўчаси, 276-уй. Телефон 64-90-68.

Янгийўл туманидаги "Радмила" масъулияти чекланган жамияти

ТУГАТИЛАДИ.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида 2-69-17 рақамли телефон бўйича қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48; Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-011122. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 16.362 нусха.

Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20.30. Босишга топширилди – 18.30. 1 2 3 4 5 6

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.